

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ СИЁСАТИНИ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТДАН МОДЕЛЛАШТИРИШ: “ЯШИЛЛИК” УНСУРЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Муқимов Шерали

*PhD, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Халқаро молия кафедраси
доценти, Тошкент, Ўзбекистон. Email: mukimov750@gmail.com*

METHODOLOGICAL MODELING OF INDUSTRIAL POLICY IN UZBEKISTAN: TO WHAT EXTENT ARE “GREEN” ELEMENTS PRESENT?

Sherali Mukimov

*PhD, Associate Professor, Department of International Finance, Tashkent State
University of Economics Tashkent, Uzbekistan. Email: mukimov750@gmail.com*

Аннотация. Ушбу тадқиқот орқали 2017-2025 йилларда қабул қилинган 30 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон саноат сиёсати методологик жиҳатдан моделлаштирилади. Ишда 17 та институционал ва инструментал индикатор ёрдамида саноат сиёсатининг тузилмавий динамикаси ҳамда “яшил” ривожланиш тамойилларининг қўлланиш даражаси баҳоланган. Тадқиқот натижалари кўра амалдаги модел асосан “вертикал” ва “етиб олиш” (catch-up) характерига эга деб тавсифланди. Бунда асосий эътибор ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш каби миқдорий кўрсаткичларга қаратилган. Бошқарув механизми юқори даражада марказлашган бўлиб, ўсишни рағбатлантиришда асосан солиқ ва божхона имтиёзлари шаклидаги молиявий инструментларга таянилиши аниқланган. Таҳлиллар кўрсатдики, мавжуд ёндашув саноат сиёсати учун мустаҳкам пойдевор яратган бўлса-да, давлат ва хусусий сектор мулоқотини чуқурлаштириш ҳамда таркибий трансформацияни сифат жиҳатидан устувор вазифага айлантириш орқали тизимни такомиллаштириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Abstract. This study methodologically models Uzbekistan's industrial policy by analyzing 30 normative-legal acts adopted between 2017 and 2025. Using 17 institutional and instrumental indicators, the research assesses the policy's structural dynamics and the extent of its "green" development integration. The findings characterize the current model as predominantly “vertical” and “catch-up” oriented, placing significant emphasis on quantitative targets for production and export growth. The governance mechanism is identified as largely centralized, relying primarily on financial incentives such as tax and customs privileges to drive development. The analysis suggests that while this approach has established a strong foundation, there are significant opportunities to enhance the framework by fostering deeper public-private dialogue and prioritizing qualitative structural transformation.

Калим сўзлар: методологик моделлаштириш, вертикал саноат сиёсати, “етиб олиш” ривожланиш модели, таркибий трансформация, яшил саноат сиёсати, итератив (такрорий-ривожланувчи) мулоқот, институционал таҳлил.

Key words: methodological modeling, vertical industrial policy, catch-up development model, structural

transformation, green industrial policy, iterative dialogue, institutional analysis.

Кириш. Ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти тармоқлардан ташкил топади. Тармоқлар кесимида иқтисодий сиёсат юритилар экан, давлат табиийки у ёки бу тармоқни янада ривожлантириш, унда меҳнат унумдорлигини ошириш каби узоқ муддатли мақсадларни қўяди. Мақсадларга эришиш учун эса турли инструментлар орқали тармоқ фаолиятига аралашади. Мана шу кенг қўламли ва тизимли чора-тадбирларни назарда тутувчи жараёни саноат сиёсати деб қабул қилсак, уни турли нуқтаи назарлардан моделлаштириш имконияти юзага келади.

Ҳозирги кунда саноат сиёсати моделларининг аниқ сони йўқ. Шундай бўлса-да, илмий адабиётлар адабиётлардаги асосий баҳслар унинг вертикал ёки горизонтал турини таққослаш[1] юзасидан кечишини қайд этиш мумкин. Бу асосий тасниф тури учун давлатнинг тармоқларни таргетлаш миқёси мезон сифатида олинган бўлса, саноат сиёсати инструментлари[2], таргетлаш гуруҳи[3] ва географик қамров даражаси[4] ҳам тасниф учун фойдали мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистонда юритилаётган саноат сиёсатини моделлаштириш, унинг ўзига хосликларини тўлиқроқ очиб бериш учун юқоридаги мезонларнинг барчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Материал ва метод. Шу мақсадда мамлакатда 2017-2025 йилларда қабул қилинган, иқтисодиётнинг муайян тармоғини ривожлантиришга қаратилган 30 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат 17 та кўрсаткич асосида мазмунан таҳлил қилинди ва олинган хулосаларнинг турдошлиги таъминланди. Кўрсаткичларни шартли равишда 2 гуруҳга бўлиш мумкин: умумий (1) ва хусусий (2) аҳамиятга эга кўрсаткичлар. Умумий кўрсаткичлар саноат сиёсатининг ҳуқуқий қв институционал жиҳатларини аниқлашга қаратилган бўлса, хусусий кўрсаткичлар унинг

инструментарийсини баҳолашга ёрдам берди.


Танлаб олинган 30 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат 23 та иқтисодий тармоғига оид. Қўшима таҳлилар кўрсатдики, мазкур 30 та ҳужжат 2017-2025 йилларда Ўзбекистонда қабул қилинган шу каби ҳужжатларнинг камида 70 фоизини ташкил қилади ва асосий массив методига асосан, тадқиқотнинг репрезентативлигини таъминлаш учун етарли миқдорни ташкил қилади.

Таҳлиллари амалга оширишда саноат сиёсатининг экологик хавфсизликни таъминлаш вазифаси мавжудлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун ҳужжатларда экологик мақсад ва талабларнинг акс эттирилиши, акс эттирилган тақдирда унинг мазмуни яшил кун тартибининг қайси йўналишига мослигига баҳо берилди.

Ниҳоят, замонавий тадқиқотларда саноат сиёсатини юритишнинг “юқоридан пастга” ёндашуви ўрнига илгари сурилаётган янги тамойил – “давлат ва хусусий сектор ўртасидаги доимий ҳамкорлик”ни қўллаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бунда тармоқни ривожлантириш дастури доирасида соҳага масъул давлат органи ва хусусий сектор ўртасида қайта алоқа механизмнинг йўлга қўйилганлиги мезон қилиб олинди.

Натижалар. Олинган натижалар алоҳида мезонлар кесимида баён қилинади.

Муддатлар. Аввало, саноат сиёсатининг давомийлиги ҳақида тўхталсак. Чунки узоқ муддатли фаровонлик учун муайян тармоқни вақтинчалик ҳимоя қилиш мақсадга мувофиқ[5]. Бошқа томондан, турли давлатларда саноат сиёсатини муддатли асосида амалга ошириш одат тусига кирган бўлиб, бунинг сабабини қўлловни бошлашнинг уни тугатишга нисбатан қийинроқ бўлиши билан изоҳланади[6]. Ўзбекистонда ҳам саноат сиёсати ўрганилган деярли барча ҳолатларда аниқ муддат чегараларига эга.



1-расм. Ўзбекистонда тармоқ ривожланиш дастурларининг муддатлари

Манба: муаллиф ишланмаси

Расмдан кўринадики, қарий 90% ҳолатларда ривожланиш дастурларида амал қилиш муддатлари кўрсатиб ўтилган. Бунда энг кўп – 36 фоизлик улуш 3 йиллик дастурларга тегишли бўлиб, кейинги ўринни 18 фоиз билан 2 ва 5 йиллик дастурлар эгаллайди. Бу эса мамлакатда саноат сиёсатининг асосан ўрта муддат асосида юритилишини кўрсатади. Узоқ ва қисқа муддатли дастурларни жорий қилиш кўпи билан 2 мартадан амалга оширилган. Эътиборлиси, муддати аниқ кўрсатилмаган дастурлар сони жамининг 1/10 қисмини ташкил этган.

Дастурларнинг контент таҳлили ушбу рақамларнинг ҳуқуқий-процессуал жараёнлар каби ташқи омиллар таъсирида шаклланмаганини тасдиқлади. Амалиётда бирор тармоқни ривожлантириш дастури қабул қилинган, унга қўшимчалар киритишга қаратилган янги дастурлар ҳам қабул қилиниши кенг оммалашган амалиёт саналади. Бирок, айти тармоққа оид ўрганилган ҳужжатлар бир-биридан ҳам инструментарий, ҳам институционал жиҳатдан мустақил эканлиги аниқланди. Бу эса муддатлар бўйича олинган хулосаларнинг яроқли эканидан дарак беради.

Мақсадларнинг қўйилиши.

Саноат сиёсатининг муваффақияти кўп жиҳатдан унинг олдида мақсадларнинг

қай тарика қўйилишига боғлиқ. OECDнинг саноат сиёсати рукнида ҳам бериладиган дастлабки тавсия “саноат стратегиялари аниқ мақсадга эга бўлиши керак” қабилида ифодаланган[7]. Ч.Жонсоннинг таъкиди эса мақсаднинг аҳамияти ҳақидаги ғояларни ўзида жамлаб беради: саноат сиёсати мавжудлигининг ўзи иқтисодиётда стратегик ёки мақсадли йўналтирилган ёндашув борлигини англатади[8]. Шундай бўлса-да мақсадни тўғри қўйиш ҳам ўзига хос мураккабликлардан ҳоли эмас. Хусусан, Д.Родрикнинг фикрича[9], стандарт сиёсат юритишнинг муаммоли жиҳатларидан бири мақсадларнинг жуда қатъий қўйилишидир. Олимга кўра, келажак мавҳумликка тўла ва шунинг учун ҳам мақсадларни олдиндан аниқ белгилаш мушкул вазифадир.

Ўзбекистонда қабул қилинган стратегияларнинг барчасида мақсадлар белгиланган бўлиб, уларнинг 87 фоизда мақсадлар миқдорий кўринишда акс этган. Мақсадларни белгилаш техникаси ўрганилган даврда ўзгаришга учраган бўлиб, 2022 йилгача улар норматив-ҳуқуқий ҳужжат иловасида “прогноз параметрлари” тарзида берилган бўлса, 2023 йилдан асосий ҳужжатнинг кириш қисмида берила бошлаган. Бунини саноат сиёсати юритиш масъулияти орттирилгани билан изоҳлаш мумкин. Чунки иловаларда одатда ўнлаб, баъзан

эса юзлаб прогноз кўрсаткичлари берилган, уларнинг ижросини назорат қилиш эса табиийки қийинчилик келтириб чиқаради. Бошқа томондан, "прогноз параметрлари" сўз бирикмасининг моҳияти мақсадни англатмайди: мақсадга эришмасликнинг юки прогнозларнинг тўғри чиқмаслигидан анча оғирроқдир.

2024-2025 йилларда қабул қилинган стратегияларда қўйилган миқдорий мақсадлар асосан тармоқда ишлаб чиқариш ва экспортнинг ўсишига боғланмоқда. Бу эса саноат сиёсати моделларининг UNCTAD бўйича типологиясига кўра[10] кўпроқ "етиб олиш" (catch-up) турига мансублигини англатади. Яъни, ҳукумат иқтисодиётнинг қиёсий устунликка эга бўлган тармоқларида самарадорликни ошириш ҳамда бу орқали технологик ва сифат жиҳатдан жаҳон даражасига етиб олишга қаратилган чораларга устуворлик бермоқда.

Таъкидлаш лозимки, мақсадларнинг миқдорий қўйилиши, албатта, ўсишнинг сифатли бўлишини англатмайди ва ҳаттоки унинг тушишига ҳам олиб келиши мумкин. Саноат сиёсати юзасидан ўтказилган деярли барча тадқиқотларда[11] бош мақсад сифатида таркибий трансформация (асосан инновациялар ҳисобига) орқали умумиқтисодий унумдорликнинг (productivity) ўсиши келтирилади. Унумдорлик эса сифат кўрсаткичи сифатида индивидуал ёндашувни талаб этиб[12], ялпи мақсадлар шароитида ўз аҳамиятини йўқотади. Саноат сиёсати мақсадларини белгилаш бўйича Ўзбекистонда йўлга қўйилган жорий тартибни фундаментал тавсифдаги методологик муаммо деб қараш мумкин.

Вертикаллик. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг иқтисодий адабиётларда горизонтал ва вертикал саноат сиёсатини бир-бирига қарши қўйиш авж олди[13].

Горизонтал саноат сиёсати иқтисодиётнинг барча тармоқларида инновациялар орқали самарадорликни оширишга қаратилса, вертикал сиёсатда чоралар алоҳида тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади[14]. Сўнгги йилларда вертикал саноат сиёсати инструментлари сақланиб қолаётгани шароитида мамлакатлар горизонтал сиёсат инструментларидан фойдаланишга кўпроқ урғу бермоқдалар[15]. Шундай бўлса-да, статистик рақамлар ҳанузгача вертикал моделнинг етакчилигини кўрсатади. Хусусан, 2018 йилги Жаҳон инвестиция ҳисоботида кўра[16], дунё бўйича 40% ҳолатларда вертикал, 36% ҳолатларда эса горизонтал тавсифга эга стратегиялар жорий қилинган.

23 та тармоқ учун алоҳида-алоҳида стратегияларнинг жорий қилингани Ўзбекистонда саноат сиёсатининг вертикал тарзда амалга оширилаётганидан дарак беради. Шунингдек, ўрганилган барча тармоқ ва стратегияларда давлат саноат сиёсати 2 турдаги макразлашган тартибда амалга оширилиши аниқланди. Биринчи турда стратегияни амалга ошириш тўғридан-тўғри масъул ижро органи томонидан амалга оширилади. Бошқа ҳолларда эса мазкур органга қўшимча равишда нотижорат асосда фаолият юритувчи гибридлашган тузилма (уюшма) кўмаклашади.

Ўрганилган тармоқларнинг 17 тасида жами бўлиб 11 та уюшма[17] ташкил этилган бўлиб, улар ижро органига стратегияни амалга оширишда ташкилий-услубий жиҳатдан кўмаклашиши белгиланган. Давлатнинг роли етакчи бўлган яна 3 та тармоқда ушбу вазифа давлатга тегишли компанияларга юкланган. Қолган 10 та тармоқда эса стратегияни амалга ошириш тўғридан-тўғри ижро органи ваколоти этиб белгиланган.



2-расм. Ўзбекистонда саноат сиёсати стратегияларини амалга оширишга масъул субъектлар

Манба: муаллиф ишланмаси

Техник ва методологик жиҳатдан ўхшаш бўлган стратегияларни амалга ошириш жараёнига уюшма ва давлат компанияларининг жалб қилиниши илмий тадқиқотчилар томонидан ҳам кучли тавсия қилинади. Бу амалиёт давлат органлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро доимий мулоқотни назарда тутди ҳамда “каттик” ва директив муносабатни ҳамкорликка айлантиради.

Саноат сиёсати юзасидан ўтказилган замонавий тадқиқотларда айнан шундай ҳамкорликнинг зарурлиги қайд этилмоқда. Жумладан, Д.Родрик саноат сиёсатини “юқоридан-пастига” шаклда, имтиёзлар улаштишга асосланган ва норматив тарзда юритишдан кўра, тизимли диалогга (iterative dialogue) асосланган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди[18]. Дарҳақиқат, фирмалар билан доимий мулоқот натижасида уларни қийнаётган муаммолар тез ечим топади, қўйилган мақсадлар ва объектив реаллик ўртасидаги масофа максимал даражада бир-бирига яқинлашади. Д.Брезниц ва б. эса саноат сиёсатини давлат фаолиятининг 3 соҳаси ҳосиласи сифатида кўради[19]: (1) “давлат-бизнес-ишчи кучи” учлигидан иборат коалиция, (2) давлатнинг хусусий сектор билан ҳамкорлик қилиш ва тартибга солиш салоҳияти ва (3) фирмаларнинг аниқ мажбурияти эвазига имтиёзлар бериш. Яъни, ушбу ёндашувга кўра ҳам саноат сиёсатининг асосини ҳамкорлик ташкил

қилади, имтиёзлар эса — учинчи даражада. Фикримизни янада мустаҳкамлашда К.Варвикнинг хулосалари ҳам катта ёрдам беради. Олимнинг тасдиқлашича[20], саноат сиёсатининг асосида ўзаро алоқалар ўрнатиш (networking) ва ҳамкорликка рағбатлантириш ҳамда шу асосда стратегияларни жорий қилиш учун институтлар яратиш ва ривожлантириш ётади.

Бизнингча, Ўзбекистонга оид саноат стратегияларининг асосий методологик камчилиги ҳам айнан шунда. Хужжатларни ўрганиш натижалари кўрсатдики, жами 30 тадан фақат 1 та (3%) ҳолатда хусусий сектор билан доимий ҳамкорлик масаласи кўзда тутилган. Қолган барча ҳолатларда уюшмаларнинг роли имтиёзларни тақсимлаш ва бошқа ташкилий вазифалар билан чекланган. Шунингдек, стратегияларнинг 2/3 қисми ижроси жараёни устидан фақат назорат ўрнатиш белгиланган бўлса, қолган 1/3 қисмида назоратдан ташқари мониторинг тадбирларини ҳам амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган. Бу эса саноат сиёсати юритишнинг миллий моделида, Д.Родрик таъбири билан айтганда, “юқоридан-пастига” парадигмаси қўлланилаётганидан дарак беради.


Имтиёзлар. Саноат сиёсатини юритишнинг учун энг катта сабаб бозор нуқсонлари деб қабул қилинади[21]. Давлат ушбу нуқсонларни бартараф этиш учун турли кўринишдаги

инструментларни қўллайди. Улардан энг асосийси, табиийки, имтиёзлар ҳисобланади. Иқтисодчиларнинг анъанавий қарашларига кўра, саноат сиёсати "юқоридан-пастга" тамойилига асосланган қарор қабул қилиш жараёни, аниқ саноат тармоқларини таргетлаш ҳамда стандарт имтиёзлар рўйхатини назарда тутати[22]. "Осиё йўлбарслари" номи билан танилган Шарқий Осиё мамлакатларининг XX аср охиридаги мислсиз иқтисодий ўсиши айнан шу стандарт "рецепт" билан изоҳланади.

Саноат сиёсати турли шаклларда бўлиши мумкин, бироқ у ҳар доим хусусий сектор вакиллари бўлмиш фирмалар, инноватор ёки инвесторларга имтиёзлар тақдим этади. Бунинг учун улар давлат томонидан мақсад қилинган

таркибий ўзгариш йўналишига мос ҳолда ҳаракат қилишлари керак[23]. Имтиёзлар орасида энг кенг тарқалгани ва самаралиси сифатида бозор имтиёзлари (market-based incentives) қабул қилинади. Бундай имтиёзлар, айниқса, яшил саноат юритиш орқали атроф-муҳитга салбий таъсирлар ва ижтимоий неъматлар билан ишлашда алоҳида аҳамиятга эга[24]. Чунки саноатни яшиллаштириш ҳам таркибий ўзгаришнинг бир тури ҳисобланиб, капиталталаб ва ўта рискли жараён ҳисобланади. Хусусий секторни бу йўлга ундаш учун эса айнан капиталга боғлиқ (молиявий) рағбатлар керак бўлади.

Ўзбекистонда юритилаётган саноат сиёсатида молиявий имтиёзлар бирламчи ўринни банд этган:



3-расм. Ўзбекистон саноат сиёсатида қўлланиладиган имтиёз гуруҳлари

Манба: муаллиф ишланмаси

Имтиёзли кредит, солиқ ва божхона имтиёзларидан иборат учлик Ўзбекистон саноат сиёсатининг энг муҳим инструментлари сифатида жами стратегияларнинг ўртача учдан икки қисмида учрайди. Компенсация ва субсидиялар мазмунан бир-бирига яқин инструментлар бўлиб, улар ҳам молиявий имтиёзларнинг алоҳида тури саналади ва муайян харажатларнинг давлат томонидан қоплаб беришни назарда тутати. Уларга мисол сифатида реклама, кўргазмада иштирок, сертификатлаш, транспорт ва фоиз тўловлари бўйича харажатларни келтириш мумкин.

Шундай бўлса-да, саноат сиёсатининг энг нозик жиҳатларини, бизнингча, хос ва бошқа имтиёзлар

кўрсатиб беради. Чунки улар соҳанинг ўзига хосликларини инобатга олади ва аниқ соҳавий муаммоларни ҳал этишга қаратилади. Бошқа имтиёзлар ҳар учинчи стратегияда учрайди ҳамда асосан муайян жараёни соддалаштириш ёки енгилликлар беришни назарда тутати. Мисол учун, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш бўйича стратегияда (2023) керакли воситаларни импорт қилиш жараёнини соддалаштириш кўзда тутилган. Хос имтиёзлар эса фақат ва фақат соҳа аҳамиятга эга бўлиб, уларни бошқа соҳаларга татбиқ қилишнинг иложи йўқ. Жумладан, шиша идишлар ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш стратегиясида (2017) оқ мармарни

геологик ўрганиш учун лицензия бериш тартиби жорий қилинган. Шунингдек, сунъий интеллект йўналишидаги стратегияда (2024) хусусий сектор фойдаланиши учун вазирлик ва идоралар томонидан “катта маълумотлар” базаси яратилиши қайд этилган.

Имтиёзларнинг самарадорлиги эса уларнинг мавжудлигидан-да муҳимроқ масала. OECD тадқиқотлари кўрсатдики[25], тўғри йўлга қўйилган иқтисодий имтиёзлар умуман олганда қулай бизнес муҳитини яратишга хизмат қилади, бироқ имтиёзларнинг қайси турлари кўпроқ самара бериши борасида якуний ҳулоса мавжуд эмас. Макроиқтисодий нуқтаи назардан қараганда, молиявий имтиёзлар ҳар қандай кўринишда фирмалар ихтиёрида кўпроқ маблағ қолишига шароит яратади ва янги инвестицияларни амалга оширишга ундайди. Натижада бандлик ортади, иқтисодий ўсиш рағбатлантирилади. Бироқ, бу ҳолат умуман ижобий баҳоланса-да, саноат сиёсати муваффақиятидан дарак бермайди. Чунки янги инвестицияларнинг саноат сиёсати олдида қўйилган мақсадлардан четга чиқиш эҳтимоли катта. Масалан, давлат миллий электроскутерлар саноатини ривожлантириш учун электротехника тармоғи корхоналарига катта миқдорда фискал имтиёзлар тақдим этса, соҳада иқтисодий фаоллик миллий контент эмас, балки импорт ҳисобига ўсиши мумкин.

Имтиёзлар саноат сиёсатининг энг муҳим ва таъсирчан инструменти экан, муваффақият учун уларни мақсадга йўналтириш лозим бўлади. Бунинг учун эса имтиёзларни аниқ шартларда тақдим этиш мақсадга мувофиқ. Д.Родрик фиркича, имтиёз дастурлари учун керакли жиҳатлар бу шартлилик, муддатлилик (sunset clauses), солиштириш (benchmarking) ва даврий тузатишлар киритишдир[26]. Ушбу жиҳатлар саноат сиёсатига интизом тақдим этади, бироқ давлат томонидан кескин чоралар кўришни назарда тутмайди.

Интизомнинг кераклигини имтиёзларни суиистеъмол қилиш (rent-seeking) эҳтимоли билан изоҳлаган маъқул. М.Маццукато эса саноат сиёсатини бира-тўла шартлилик сўзи билан синоним кўриш кераклигини илгари суради[27]. Бу мантиққа биноат шартлилик сўзининг ўзини ҳам самарадорлик сўзига маънодош кўриш мумкин. Чунки саноат сиёсатини фирмаларга шарт қўймай амалга ошириш қанчалик бўлса номақбул бўлса, шартларни самарадорликни кўзламай белгилаш ҳам шунчалик бемаъно бўлади.

Олиманинг ёндашувига кўра, шартлиликнинг самарадорлигини икки хил усулда баҳолаш мумкин. Биринчиси, қўйилган шартлар фирмани одатдагидан бошқачароқ фаолият юритишга ундай олганида акс этса, иккинчиси кенгроқ маъно касб этиб, ушбу шартлар доирасида киритилган инвестициялардан жамият манфаат кўргани (public value) ёки йўқлигига асосланади. Шундай экан, саноат сиёсатига “портрети”ни яратишда тақдим этилган имтиёзларни олиш учун қандай шартлар қўйилганини таҳлил қилиш мажбурий амал ҳисобланади.

Ўзбекистонда қўлланилаётган имтиёзлар пакети ҳозирда умумий аҳамият касб этиб, шартлилик тамойили тизимли равишда қўлланмайди. Бизнингча, ушбу жиҳатни миллий саноат сиёсатининг энг катта методологик камчиликларидан бири сифатида кўриш мумкин. Жумладан, ўрганилган 30 та стратегиянинг 60 фоизда имтиёзларни олиш учун ҳеч қандай шартлар белгиланмаган, қолган 40 фоизда эса шартлар кўпинча мавҳумий шаклда қўйилган. Қўйилган шартларнинг мазмунан турфа-хиллиги уларни гуруҳлаш мураккаблаштиради. Мисол учун, бир стратегияда имтиёз олиш учун жами тушумда “соҳавий тушум”нинг минимал миқдориди талаб қўйилган бўлса, иккинчисиди рентабеллик кўрсаткичи камида 10 фоизни ташкил этиши лозимлиги белгиланган. Шартлар ичида технологик тадбирларни вақтида бажариш, муайян миқдорда экспорт қилиш кабилари ҳам бор.

Шартлилик тамойили билан боғлиқ ушбу муаммони иккинчи методологик муаммо – самарадорликни баҳолашга эътибор қаратилмаслиги том маънода тўлдиради ва стратегияларнинг иқтисодий мақомини савол остига қўяди. Хусусан, ўрганилган стратегияларнинг ҳеч бирида имтиёзлардан фойдаланиш самарадорлигини даврий баҳолаб бориш вазифаси қўйилмаган – асосий эътибор стратегияда белгиланган бандларнинг ижро этилишига қаратилган.

Деярли барча стратегиялар муддатли эканидан келиб чиқиб, уларнинг ижроси юзасидан ҳисобот эълон қилиш каби вазифаларнинг қўйилмаслиги ҳам алоҳида муаммо деб қаралиши мумкин. Чунки бундай ҳолатда шаффофликни таъминлаш мураккаблашиб, муваффақият ёки муваффақиятсизлик учун жавобгарлик масаласи очик қолиб кетади.

Ўзбекистонда саноат сиёсати олдида мақсадларнинг ялпи ва миқдорий тарзда қўйилиши шароитида фирмалар томонидан имтиёзларнинг суиистеъмол қилиниши масаласи иқтисодий-ҳуқуқий доирадан чиқиб, субъектив ёки риторик тус олади. Бунда суиистеъмол қилиш учун фирма мақсаддан четланган ҳолда маблағларни бошқа мақсадларда сарфлаши керак бўлади. Фирма олдида индивидуал шарт (мақсад) қўйилмаган ҳолатда эса уни суиистеъмол қилиш айби билан имтиёзлардан мосуво қилиш ёки бошқа жазо чораларини қўллаш тескари оқибатларни келтириб чиқаради.

Таълим ва инновациялар.

Мақсадлар таҳлилида кўриб ўтилганидек, саноат сиёсатининг стратегик мақсади таркибий ўзгаришлар орқали узоқ муддатли ва сифатли ўсишни таъминлашдир. Таркибий ўзгариш иқтисодиётнинг кам самарали ва меҳнат сиғими юқори бўлган фаолият турларидан юқори самарали ва малака талаб этувчи фаолият турларига ўтиш жараёни сифатида таърифланади[28]. Мазкур жараённинг асосида унумдорликнинг ўсиши ётади ва у асосан ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари устуворлиги билан изоҳланади. Бир сўз билан айтганда, бундай ўсиш модели инсон капиталидан яхшироқ фойдаланиш устига қурилади. Ўз навбатида, инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлиги технологик ривожланиш кўринишида юзага чиқади.

Ўзбекистонда юритилаётган саноат сиёсатида ҳам айнан шу нарсага алоҳида эътибор қаратилади. Ўрганилган стратегияларнинг 73 фоизиди касбга ўқитиш, ходимлар малакасини ошириш масаласи кўзда тутилган. Шундай бўлса-да, контент таҳлил орқали маълум бўлдики, ушбу масала асосан энг қуйи – ишчилар даражасида кўтарилган. Фирмаларнинг илмий тадқиқот (R&D) ва инновацияларни жорий қилиш борасидаги фаолиятига эса кам эътибор қаратилган. Бунини инновацияларни рағбатлантиришга қаратилган чоралар таҳлили орқали изоҳлаш мумкин:



4-расм. Ўзбекистонда саноат сиёсати рағбатлантириладиган инновацион фаолият йўналишлари

Манба: муаллиф ишланмаси

Кенг маънода ёки Халқаро стандартлаштириш ташкилоти томонидан берилган расмий таърифга кўра[29], инновация бу қиймат яратадиган ёки қайта тақсимлайдиган янги ёки ўзгартирилган объектдир. Тор маънода эса, Ж.Шумпетер таъбири билан айтганда[30], инновациялар бу ғояларнинг амалиётга жорий қилиниши бўлиб, унинг натижасида янги товар ва хизматлар яратилади ёки мавжуд товар ва хизматлар такомиллашади. Ҳар икки ёндашув ҳам инновацияларнинг “нимадир янги нарса” эканлигини назарда тутди. Бу ерда “янги” сўзи табиийки миллий иқтисодиёт учун биринчи марта қўлланишни назарда тутмоқда.

4-расмдан кўриш мумкинки, Ўзбекистонда инновацияларни жорий қилиш ва янги технологияларни ўзлаштириш тушунчалари ўзаро тенг сифатида кўрилган. Чунки янги ва замонавий асбоб-ускуналарни ўрнатиш, янги технологияларни жорий қилиш

ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш моҳиятан айни нарсани англатади. Уларни жамлаш орқали 64% стратегияларда янги технологияларни ўзлаштириш масаласи кўтарилганини билиш мумкин. Технологиянинг янгилик мезони эса бор-йўғи 2 та стратегияда белгилаб ўтилган бўлиб, улар ҳам экологик тавсифга эга. Инновацион фаолиятнинг ўзагини ташкил этувчи тадқиқот ва ишланмалар эса фақатгина 5% стратегияларда назарда тутилган.

Ҳар тўртинчи стратегияда рақамлаштириш масаласининг кўтарилишини эса унумдорликни базавий даражада оширишга уриниш деб баҳолаш мумкин. Чунки рақамлаштириш ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларида инсон омилининг камайтирилиши орқали процессуал самарадорликнинг ўсишига олиб келади. Рақамли ресурсларнинг пайдо бўлиши ва кенгайиши, шунингдек, ахборот технологияси соҳаси учун ҳам қўшимча ўсиш нуқталарини тақдим этади. Бирок, рақамлашув яқка ҳолда саноат


тармоғининг умумий унумдорлигини оширишга қобил эмас. Шунга ўхшаш вазият АҚШ, Буюк Британия ва Германия каби sanoat гигантлари тажрибасида кузатилган: рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ялпи иқтисодий унумдорликка сезиларли таъсир кўрсатмаган[31]. Унумдорликни ўстирувчи асосий омил сифатида анъанавий равишда номоддий активлар (инновация, янги бизнес модели ва б.) кўрилади[32]. Бошқача айтганда, рақамлашиш ва унумдорлик ўртасидаги боғлиқлик базавий инновациялар мавжудлиги шароитидагина кучли ҳисобланади[33].

Шундай экан, Ўзбекистон sanoat сиёсатини такомиллаштиришнинг яна бир потенциал ва методологик аҳамиятга эга йўналиши деб инновацияларни рағбатлантиришни кўрсатиш мумкин. Ишлаб чиқаришни модернизация қилишдан эса бизнеснинг ўзи кўпроқ манфаатдор бўлиб, бу жараёнга давлатнинг аралашувчи талаб этилмайди.

Экологик талаблар. БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар

бўйича департаментининг (UN DESA) хулосаларига кўра[34], масъулиятли ўсиш (sustainable development) sanoat стратегияларининг яшил технологиялар, салоҳият ва қиймат занжирларига таяниши лозимлигини талаб этади. Яъни, sanoat сиёсатини амалга оширишда ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида экологияга дўстона ёндашувдан фойдаланиш керак бўлади.

Ўзбекистон sanoat сиёсати таҳлили эса унинг муайян даражада "яшиллашганини" кўрсатди. Бунда биз стратегияларда яшил кун тартибининг акс этишини экологик талаблар доирасида кўриб чиқдик. Талабларни ўрганишда эса уларни 2 гуруҳга бўлиб олдик: (1) экологик стандартларга мувофиқлик ҳамда (2) тўғридан-тўғри (маъмурий) талаблар. Натижада қуйидаги манзара юзага келди:



5-расм. Ўзбекистонда sanoat сиёсати доирасида экологик талабларнинг қўйилиши

Манба: муаллиф ишланмаси

Эътиборли ва ижобий жиҳат шундаки, экологик талабларнинг белгиланиши миллий sanoat стратегияларида камёб ҳодиса эмас. Қарийб ҳар иккинчи стратегияда у ёки бу кўринишда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган талаблар қўйилган. Стратегияларда кўрсатиб ўтилган


экологик сертификатларнинг барчаси халқаро сертификат экани ҳам диққатга сазовор. Сувни тозалаш филтрларини ўрнатиш; сув ва ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш; ер, сув ва ҳавони ифлослантирмаслик; иқлим ўзгаришига мос воситалардан

фойдаланиш каби тўғридан-тўғри талаблар нисбатан кўпроқ қўлланилган.

Мунозара. Ўзбекистон саноат сиёсатининг энг муҳим ўзига хослиги сифатида стратегияларда қўлланиладиган креатив механизмларни келтириш мумкин. Хужжатларнинг 93 фоизда имтиёз дастурларидан ташқари соҳага оид янги ёндашувлар акс этган. Шунингдек, ушбу ёндашувлар ранг-баранг инструментлар ва тузилмаларни назарда тутиб, улар келгусида Ўзбекистоннинг ўзи ёки бошқа хорижий мамлакатлар учун қимматли тажриба сифатида асқотиши мумкин.

Стратегиялар мазмунидан жами бўлиб 36 та алоҳида жиҳат ажратиб олинди ва 6 та шартли гуруҳларга ажратилди. Бунда энг кенг тарқалган механизм саноат тармоқларини кластерлаштиришни назарда тутди. Кластерлар назарияси асосчиси М.Портернинг таърифига кўра, кластер – муайян тармоқда ўзаро боғлиқ компаниялар ва институтларнинг

географик жиҳатдан яқин жойлашган гуруҳи бўлиб, уларни умумий ва тўлдирувчи жиҳатлар боғлаб туради[35]. UNIDO томонидан берилган таъриф эса М.Портерникини янада аниқлаштириб, саноат сиёсати контекстига жуда мос келади: кластерлар ўхшаш ёки боғлиқ товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаради ҳамда яқин масофадаги бизнес уюшмалари, ўқитиш ва техник хизмат кўрсатиш провайдерлари каби ихтисослашган институтлар томонидан қўллаб-қувватланади. Жўшқин (vibrant) кластерлар инновацион фирмалар маконидир[36]. Ташкилотнинг ёндашуви Ўзбекистон саноат сиёсатини методологик асосларидаги навбатдаги масалани кўрсатиб беради. Кластерларни нафақат қиймат занжири ёки ўхшаш фаолият, шу билан бирга ихтисослашган институтлар ҳам боғлаб туриши ҳамда асосий мақсад технологик ўсишга қаратилиши лозим.



6-расм. Ўзбекистонда саноат сиёсати юритишнинг ташкилий механизмлари
Манба: муаллиф ишланмаси

Қолган жиҳатлар эса нисбатан камроқ кўзга ташланган ёки уларда анъанавийлик белгилари юқори. Масалан, 14% стратегияларда давлат махсус фондлар тузиш орқали имтиёз дастурларини амалга оширишни кўзлаган бўлса, яна шунча ҳолларда саноат тармоғини ривожлантириш учун турли ишчи гуруҳ ёки кенгашлар тузган. 17

фоиз ҳолатларда эса марказлар тузиш орқали соҳа вакиллари ёки институционал хизматларни бир жойга жамлаш йўлини тутган. Ҳамкорлик механизмлари бўлса асосан корхоналар ва кластерлар ўртасидаги ёки ўзаро кооперацияни назарда тутди ва бунинг учун ҳам маълум имтиёзлар белгиланган. Бошқа механизмлар эса давлат-хусусий шериклиги, ҳудудларни

ихтисослаштириш, давлат буюртмасини яратиб бериш каби йўналишларни ўз ичига олган ва кам сонли (1-2 та) стратегияларни қамраб олган.

Хулоса. Гарчи неолиберал тадқиқотчилар наздида саноат сиёсати уйдирма ёки унинг мавжудлигини асослаш иложсиз [37] бўлиб кўринса-да, амалда минглаб адабиётлар ва амалиётда саноат сиёсатининг дунё микёсида жадал суръатлар билан юритилаётгани рад этиб бўлмас ҳақиқатга айланди. Ўзбекистон 2017 йилдан сўнг кенг қўламли ва фундаментал ислохотлар сабабли ўзига "янги" сифатини олиши саноат сиёсатида ҳам кўринди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш, оёққа турғазини ва халқаро рақобатбардошлигини ошириш учун қатор стратегиялар ишлаб чиқилди. Уларда ривожланиш иқтисодиёти мактаби учун ҳам янгилик бўлган усул ва воситалар қўлланилмоқда. Шу билан бирга, саноат сиёсатини юритиш амалиёти ва умум қабул қилинган назарияси ўртасида баъзи фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни методологик камчиликлар деб атадик.

Биринчидан, саноат сиёсати олдида қўйилган мақсадларнинг миқдорий қўйилиши унинг ижро этилишини статистик вазифага айлантириб қўйиши мумкин. Оқибатда стратегиялар доирасида сарфланган вақт, маблағ ва инсон ресурслари керакли самара келтирмаслик эҳтимоли ортади. Тадқиқотлардан келиб чиқиб, бош мақсад сифатида инновациялар ва технологик ўсиш ҳисобига таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали умумиқтисодий унумдорликни ошириш белгилаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, саноат сиёсати охири-оқибатда хусусий секторга йўналтирилади. Замонавий саноат сиёсати моделларига мувофиқ хусусий сектор асосий ижрочи сифатида кўрилади, давлат эса унга муаммоларни енгиб ўтишда ҳамкорлик таклиф қилади. Ўзбекистон саноат сиёсатининг мутасаддилари саналган давлат

идоралари ва уюшмаларнинг роли эса асосан имтиёзларни тақсимлаш ва бошқа ташкилий вазифалар билан чекланган. 2025 йилдан "Тадбиркорлар куни" доирасида Савдо саноат палатаси ва бизнес вакиллари ўртасида ташкил этилган тўғридан-тўғри мулоқот форматини саноат сиёсати доирасида, тизимли равишда йўлга қўйиш орқали мазкур муаммо ҳал этилиши мумкин.

Учинчидан, қўлланилаётган имтиёзлар пакети ҳозирда умумий аҳамият касб этиб, шартлилик тамойили тизимли равишда қўлланмайди. Шартлилик саноат сиёсатининг асосини ташкил этиб, таркибий ўзгариш мақсадига эришишда ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Саноат сиёсати доирасида имтиёз беришнинг туб моҳияти ҳам шунда – бизнес стандарт ҳолатда қўл урмайдиган ишни қилишга ундаш. Демак, мақсадни аниқлаштиргач, шартлилик тамойилини айнан шу мақсадга (миқдорий ва сифатий) боғлаш ҳамда имтиёзларни шу асосда тақдим этиш талаб этилади.

Тўртинчидан, самарадорлик баҳоланмаса, стратегияларнинг иқтисодий мақоми савол остига қолади. Республика бўйича ўрганилган стратегияларда имтиёзлардан фойдаланиш самарадорлигини даврий баҳолаб бориш вазифаси қўйилмаган бўлиб, бу самарадорлик билан боғлиқ жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Бошқа томондан, самарадорликни баҳолаш бўйича тартиботнинг мавжудлиги саноат сиёсати учун шаффоф "ўйин қоидалари"ни юзага келтиради. Натижада имтиёзларни суиистеъмол қилиш устидан давлат кўрган чоралар давлат идораларининг сиёсий жиҳатдан дискредитация қилиниши олдини олади.

Бешинчидан, барча стратегиялар муддатли бўлса-да, уларнинг ижроси юзасидан ҳисобот эълон қилиш каби вазифаларнинг қўйилмаслиги келажак учун мавҳумийлик яратади. Оқибатда жавобгарлик масаласи очиқ қолиб, стратегия ортидан стратегиялар қабул қилинаверади, бош мақсад эса

декларатив характер касб этиб қолади. Бу каби ҳолатнинг олдини олиш учун стратегиялар ишлаб чиқиш жараёнига стратегик режалаштириш тартиб-таомилларини жорий қилиш тавсия этилади.

Алоҳида қайд этиш лозимки, саноат сиёсатини юритиш бу шунчаки стратегик режалаштиришдан иборат эмас. Бунда стратегик режалаштириш шакл бўлса, сиёсатни юритишга ёндашув мазмундир. Улар бир-бирини рад этмайди, аксинча тўлдиради. Шундай бўлса-да, мазмун ўз моҳиятига кўра шаклга нисбатан устувор ўринга эга.

Таҳлиллар кўрсатдики, Ўзбекистонда саноат сиёсатининг юритилиши ва унинг эволюцияси анъанавий тарзда кечмоқда. Яъни, мустақилликнинг илк йилларидан бери амалга ошириб келинган, марказида лойиҳалар турган инвестиция сиёсати ва унинг методологик асослари саноат сиёсатига ҳам кўчиб ўтган. Саноат сиёсатининг мақсад ва вазифалари инвестиция сиёсатидан фарқланиши шароитида методология борасида алоҳида ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Cohen E. Theoretical foundations of industrial policy // EIB papers. – 2006. – Т. 11. – №. 1. – С. 84-106.
2. Ryan, M. Industrial Policy: Concepts and Theory. Industrial Policies in the Pacific. 2019 <https://doi.org/10.4324/9780429038778-1>.
3. Xu, B., Chen, X., & Wang, Y. A new dynamic classification of enterprises for implementing precise industrial policies. Journal of Business Research. 2020; 118. <https://doi.org/10.1016/j.jbusres.2020.07.009>.
4. Heinrich, C., Knill, C., & Steinebach, Y. Analyzing industrial policy portfolios. Policy Sciences. 2024 <https://doi.org/10.1007/s11077-024-09559-0>.
5. Harrison A., Rodríguez-Clare A. Trade, foreign investment, and industrial policy for developing countries //Handbook of development economics. – 2010. – Т. 5. – С. 4039-4214.
6. Fernández-Arias E. et al. Two to tango: public-private collaboration for productive development policies. – Inter-American Development Bank, 2016.
7. Инглиз тилида - Industrial strategies need to have clear objectives. Манба: <https://www.oecd.org/en/topics/policy-issues/industrial-policy.html>.
8. Johnson, Chalmers, MITI and the Japanese Miracle: The Growth of Industrial Policy : 1925-1975, Stanford, California: Stanford University Press, 1982.
9. Rodrik D. An industrial policy for good jobs //Hamilton Project—Policy proposal. Washington, DC: Brookings Institution. – 2022. – P.10.
10. United Nations Conference on Trade and Development. World investment report 2018: Investment and new industrial policies. – UN, 2018. – P. 141.
11. Rodrik D., Juhász R., Lane N. The new economics of industrial policy //Annual Review of Economics. – 2023. – Т. 16. – С. 213-242; Warwick, K. (2013-04-05), "Beyond Industrial Policy: Emerging Issues and New Trends", OECD Science, Technology and Industry Policy Papers, No. 2, OECD Publishing, Paris. – p.14; Greenwald B., Stiglitz J. E. Industrial policies, the creation of a learning society, and economic development //The industrial policy revolution I: The role of government beyond ideology. – London : Palgrave Macmillan UK, 2013. – С. 43-71; Salazar-Xirinachs J. M., Nübler I., Kozul-Wright R. Industrial policy, productive transformation and jobs: theory, history and practice //Transforming economies. Making industrial policy work for growth, jobs and development, 2014. – p. 14-17.
12. Page J. Industrial Policy, Firm Capabilities, and Kaizen //Workers, Managers, Productivity: Kaizen in Developing Countries. – Singapore : Springer Singapore, 2020. – С. 29-44.
13. Cohen E. Theoretical foundations of industrial policy //EIB papers. – 2006. – Т. 11. – №. 1. – С. 84-106.
14. Geroski P. A. Vertical relations between firms and industrial policy //The Economic Journal. – 1992. – Т. 102. – №. 410. – С. 138-147.

15. Mordue G. Shifting patterns in the application of industrial policy //International Journal of Automotive Technology and Management. – 2020. – Т. 20. – №. 1. – С. 50-75.
16. United Nations Conference on Trade and Development. World investment report 2018: Investment and new industrial policies. – UN, 2018. – P. 139.
17. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сонли “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни 10-моддасига мувофиқ тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар бўлган уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашиши мумкин.
18. Rodrik D. An industrial policy for good jobs // Hamilton Project—Policy proposal. Washington, DC: Brookings Institution. – 2022. – p. 15.
19. Breznitz D., Gingrich J. Industrial Policy Revisited // Annual Review of Political Science. – 2025. – Т. 28. – p. 330.
20. Warwick K. Beyond industrial policy: Emerging issues and new trends // , OECD Science, Technology and Industry Policy Papers, No. 2, OECD Publishing, Paris – 2013. – p. 22.
21. Pack H., Saggi K. Is there a case for industrial policy? A critical survey //The World Bank Research Observer. – 2006. – Т. 21. – №. 2. – С. 267-297.
22. Aiginger K., Rodrik D. Rebirth of industrial policy and an agenda for the twenty-first century //Journal of industry, competition and trade. – 2020. – Т. 20. – №. 2. – С. 189-207.
23. Juhász R., Lane N., Rodrik D. The new economics of industrial policy //Annual Review of Economics. – 2024. – Т. 16. – №. 2024. – С. 213-242.
24. Lütkenhorst W. et al. Green industrial policy: Managing transformation under uncertainty // Deutsches Institut für Entwicklungspolitik Discussion Paper. – 2014. – Т. 28. – p. 15.
25. Criscuolo C. et al. Are industrial policy instruments effective? //OECD Science, Technology and Industry Policy Papers. – 2022. – p. 2.
26. Rodrik D. Normalizing industrial policy. – Washington DC : International Bank for Reconstruction and Development/The World Bank, 2008. – Т. 3. – p.28.
27. Mazzucato, M. and Rodrik, D. (2023). Industrial Policy with Conditionalities: A Taxonomy and Sample Cases. UCL Institute for Innovation and Public Purpose, Working Paper Series (IIPP WP 2023-07). – p. 4.
28. Oyelaran-Oyeyinka O., Lal K. Structural transformation in developing countries: cross regional analysis //United Nations Human Settlements Program (UN-Habitat). – 2016. – Т. 1. – p.1.
29. ISO 56000:2020 (en) Innovation management — Fundamentals and vocabulary. ISO. 2020. – 3.1.1.
30. Neisser H. The Theory of Economic Development. An Inquiry into Profits, Capital, Credit, Interest, and the Business Cycle.[Harvard Economic Studies, vol. 46]. – 1935. – p. 393-397.
31. Van Ark B. The productivity paradox of the new digital economy // International Productivity Monitor. – 2016. – Т. 31. – С. 3-18.
32. Brynjolfsson E., Rock D., Syverson C. The productivity J-curve: How intangibles complement general purpose technologies //American Economic Journal: Macroeconomics. – 2021. – Т. 13. – №. 1. – С. 333-372.;
33. van Ark B., de Vries K., Erumban A. Productivity & innovation competencies in the midst of the digital transformation age: A EU-US comparison //European Economy-Discussion Papers. – 2019. – №. 119. – p. 27.
34. Tagliapietra S. Green industrial policy: a global perspective. Prepared for United Nations Department for Economic and Social Affairs, December 2022. – p.3.
35. Porter M. E. Location, competition, and economic development: Local clusters in a global economy //Economic development quarterly. – 2000. – Т. 14. – №. 1. – С. 15-34.
36. UNIDO. What are clusters and networks? Манба: <https://www.unido.org/our-focus/advancing-economic-competitiveness/supporting-small-and-medium-industry-clusters/clusters-and-networks-development>. Мурожаат санаси: 27.10.2025 йил.
37. Chang H. J. Industrial policy: can we go beyond an unproductive confrontation? //Annual World Bank conference on development economics. – Washington, DC : World Bank Group, 2011. – С. 83-109.